



Ўзбекистон Республикаси
Фавқулодда вазиятлар вазирлиги
хузуридаги

Гидрометеорология хизмат маркази

E-mail: uvkmi@meteo.uz



Сел сувларининг ҳосил бўлиши

Сув сарфининг бирдан, қисқа вактда кўпайиши, тошиб кетиши билан атрофдаги табиий муҳитга, ерларга, ушбу худудда яшайдиган аҳолига, иншоотларга ва бошқаларга салбий таъсир кўрсатадиган дарё ёки бошқа сув манбаларидан чиқиб кетадиган сувларга – сел сувлари дейилади. Сел сувлари асосан узи билан хар хил катталикдаги жисмларни харакатлантиради ва шу жисмлар таъсирида жиддий талофатлар этиши кузатилади.



Қуида катта талофатларга сабаб бўлган сел тошқинларини куришимиз мумкин



Селлар фақат уларни шакллантурувчи шарт - шароитлари таъсирида пайдо бўлади. Сел оқимлари кутилмаган ва катта тезлик билан қисқа муддатда ўтиши ва жиддий талофатлар етказиши билан ўзандаги тошқинлардан фарқ қиласди. Кўпинча селлар тўлқинланиб оқади, чунки улар ичидаги қаттиқ моддалар йиғилиб сел оқими такрорланишига сабабчи бўлади.

Одатдаги тошқинлардан сел оқимлари ёки селлар ўз ичидаги қаттиқ моддалар ҳажми кўп ва бу оқимларнинг зарб кучи катта бўлиши билан фарқ қиласди.



Сел оқимларыда қаттық моддалар таркиби 10.15% - дан 40.90% - гача бўлиши мумкин. Сел оқими тезлиги V кўпайиши билан зарб кучи Р, сел оқими кинетик энергиясига ўхшаб ($E_{\text{кин}} = m \cdot V^2 / 2$), тезликни квадрат даражасига пропорционал бўлиб кўпаяди. Демак, сел оқими катта геологик ишни бажариш қобилиятига эга бўлади. Бунга асосланиб сел оқимларини геологик ходисалари қаторига киритиш мумкин.



Тадқиқотчилар маълумотларига кўра сел оқимларининг ҳажмий оғирлиги **1,12...1,9 т/м³** ва ундан ортиқ бўлиши мумкин. Сел ичидағи қаттиқ моддалар таркиби бўйича сел оқимлари уч турга бўлинади.

Сув – тошли селлар.

Турбулент оқувчан селлар.

Структурали (боғланган) селлар

Сув – тошлиқ селлар ичидағи қаттиқ моддалар ҳажми 10...20 % ни ташкил этади. Селнинг қаттиқ моддалари йирик тош, ҳарсанг тош ва қумлик жисм бўлакларидан иборат. Улар таркибидаги балчиқ кам. Бу селларнинг ҳажмий оғирлиги **1,1...1,3 т/м³** ни ташкил этади.



Турбулент оқувчан селлар ичидаги қаттиқ моддалар ҳажми **20...30%** гача бўлади. Улар турбулент оқувчан ҳаракатга эга. Бу селларни ҳажмий оғирлиги **1,3...1,7 т/м³** бўлиши мумкин. Бу турдаги сел оқимлари устида аник тадқиқотлар олиб борилмаганилиги сабабли бу турдаги сел оқимларининг ҳажмий оғирлиги факт тахминий маълумот бўлиб қолмоқда.



Структуралик (богланган) селлар ичидағи қаттық моддалар ҳажми 80...90%. Бу селларда әркин сув йўқ. Бу балчик – тошли селлардир, чунки улар кўпинча балчик ва ҳарсанг тошлардан иборат. Бу селларни ҳажмий оғирлиги 1,7...2,6 т/м³ бўлиши мумкин. Улар ёпишқоқлиги юқори даражада бўлиши билан бошқа селлардан фарқ қиласи.



Сел шаклланиши учун 3-шароит мавжуд бўлиши зарур:

- Сел оқими қаттиқ моддаларини ташкил этадиган тоғ жинслари емирилишидан ҳосил бўлган маҳсулотларнинг тоғ этакларида етарли миқдорда бўлиши (сув ҳажмининг 10...15% -дан кам бўлмаган ҳолда).
- Тоғ моддаларининг ювилишига, олиб кетказишга ва ўзан оқими шаклида шаклланиб ҳаракатланишига имконият туғдирадиган ҳавза майдонида етарли ҳажмда сувнинг бўлиши.
- Сел оқими динамикасини ва йириклигини таъминловчи катта тезлик билан сув-тупроқли ҳажмларни бирданига ҳаракат қилишини таъминлайдиган нишаблиги катта бўлган тоғ ён бағирлари ва ўзанларда кучли бўлинган тоғли рельефнинг мавжудлиги.



Селни қаттиқ моддалар билан озиқланиш манбалари
қуйидагилар:

Музлик мореналари ва унинг маҳсулотлари;

Тоғ ён бағирлари тўкилишидан ҳосил бўлган моддалар;

Денутация жараёни маҳсулотларининг (ўприлиб тушган тош-тупроқлар, силжишлар, кўчишлар, ўприлишлар, тўкилишлар, ювилишлар, емирилишлар) ўзанга келтирилган қисми;

Сув оқими билан ювиб ва кўчириб келтирилган дарё туб оқизиклари;

Дарё қирғоқлари ювилишидан ҳосил бўлган маҳсулотлар;

Олдинги селлар натижасида пайдо бўлган дарё ўзанидаги тўпламлар ва тўсиқлар;

Дарахт ва бошқа ўсимликлар илдизлари ювилиши натижасида сел билан ҳаракатга келган дарахтлар, ўсимликлар



Сел тошқинларини камайтириш мақсадида тоғ этакларида ташкилий-хўжалик чора-тадбирларини тўғри ва ўз вақтида ўтказиш сел хавфини йўқотилиши ва уни анча енгиллаштириш учун катта аҳамият касб этади.

Тоғ этакларидаги экинлар экишда агротехник тадбирларни тўғри ташкил этиш, ерни бўйлама ҳайдалишига юл қўймаслик шарт, чунки ерни бўйлама ҳайдалиши эрозия учун қўшимча шароитларни яратади. Маълумотлар бўйича 10 градуслик тоғ этагида кўндаланг ер ҳайдалишида тупроклар ювилиши **6...12** марта багача пасаяди.



Сел оқими пайдо бўлишига қаршилик кўрсатувчи ташкилий хўжалик чора-тадбирлари қаторига баҳор пайтидаги сел хавфи бўлган тоғ этакларида қор эришни сунъий ростловчи профилактик тадбирларини ўтказиш мумкин. Бу чора-тадбирлар қаторига қор эришни тезлаштиришни ташкил қилиш киради. Бу чора тадбир сел хавфи бор тоғ этакларида табиий қор эриш даври ва ёмғир ёғиш даврларни бир вақтда бўлмаслигини таъминлаш мақсадида бажарилади.

Вақтидан олдин қор эришини таъминлаш мақсадида самолётдан кўмир чангини ёки шунга ўхшаган моддаларини қорлик тоғ этакларига сепиш мумкин. Бунда қор эришини **15-20** кун олдинроқ муддатга кўчириш мумкин.







Эътиборингиз учун раҳмат !.

photograph by Sinae